

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМИРОВА ТОЙИРАХОН ШЕРАЛИЕВНА

**МАТОЛАРНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИГА КЎРА СИНФЛАШ
(ОҚСИЛ МАТОЛАР МИСОЛИДА)**

02.00.09-Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Амирова Тойирахон Шералиевна

Матоларни кимёвий таркибига кўра синфлаш(оксил матолар мисолида)..... 3

Амирова Тойирахон Шералиевна

Классификация тканей на основе химического состава(на примере белковых тканей)..... 21

Amirova Toyiraxon Sheralievna

Classification of fabrics based on chemical composition (for example, protein fabrics)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМИРОВА ТОЙИРАХОН ШЕРАЛИЕВНА

**МАТОЛАРНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИГА КўРА СИНФЛАШ
(ОКСИЛ МАТОЛАР МИСОЛИДА)**

02.00.09-Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/К441 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме). Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибрагимов Алиджан Аминович
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Исаков Хаятилло
техника фанлари доктори, доцент
Қарабаева Раъно Ботировна
кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация химояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.К.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «03» 02 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (+99873) 244-44-02, факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (147 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил, 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (+99873) 244-44-02. факс: (+99873) 244-44-93).

Диссертация автореферати 2022 йил «24» 01.22 кuni тарқатилди.
(2022 йил « » даги рақамли рсестр баённомаси).




В.У.Хўжаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси к.ф.д., профессор


М.Ё.Имомова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, PhD


Ш.В.Абдуллоев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ипак ишлаб чиқариш йилига тахминан 1 000 000 тоннани ташкил этади. Ипакка бўлган талаб эса ҳар йили ўртача 5% га ошиб бормоқда. Аҳоли сонининг кўпайиши ва ривожланган мамлакатларда тез ўзгариб турадиган кийим дизайнлари туфайли мода кийимларига бўлган талабнинг ортиши билан ипакка бўлган талаб янада ортиши муқаррардир. Ипак ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун юқори маҳсулдор тут навлари ҳамда иқлим шароитига ва касалликларга чидамли ипак курти авлодлари яратиш йўлга қўйилган бўлсада, бутун инсониятни эҳтиёжини қондира олмайди. Шунинг учун ипак саноати чиқиндиларини қайта ишлаш асосида экологик тоза, зарарсиз, табиий ипак матоларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда тут ипак курти пилласи ва уни чиқиндиларидан ипак толаси олиш, олинган ипак толаларидан турли ипак матоларни ишлаб чиқиш ва уларнинг турли хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада жумладан, тут ипак курти пилласи чиқиндиларини қайта ишлаб ипак толаларини олиш, уларни элемент ва кимёвий таркибининг таҳлил қилиш; спектрал хусусиятларини тавсифлаш; ипак толаларининг асосий хусусиятлари ва параметрларини аниқлаш; тут ипак курти пилласидан олинган ипак толалардан табиий матоларни ишлаб чиқиш ва кимёвий таркиби асосида янги товар кодларини ишлаб чиқиш, уларни тавсифлаш ва изоҳлар тайёрлаш ҳамда амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида тут ипак курти пилласи асосида тайёрланган турли хил ипак матолари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ "... маҳаллий хомашў ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш" бўйича амалга оширилиши муҳим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, тут ипак курти пилла чиқиндиларидан экологик тоза, зарарсиз, иқтисодий жиҳатдан самарадор бўлган табиий ипак матоларини ишлаб чиқиш, таркиби ва хусусиятларини ўрганиш, кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН қондаларига биноан синфлаш ҳамда амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4047-сон "Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 январдаги ПҚ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янги ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

4567-сон “Пиллачилик тармоғида ипак курти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ-6059-сон “Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, фармон ва қарорлари, ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий олимлар томонидан тут ипак курти пилласининг оксил таркиби, жумладан, фиброин ва серрициннинг аминокислота таркиби, тузилиши ва биологик фаоллигини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар хорижий олимлар—В.А.Toms, А.Elliott, F.Lucas, K.M. Rudall, J.O.Warwicker, J.T.B.Shaw and S.G.Smith (Буюк Британия), R.S.Dhavalikar (Ҳиндистон), K.Kodama, H.Sinohara, Y.Asano, M.Yamada (Япония) лар томонидан ўрганилган.

Жумладан, МДХ давлатларида С.С.Четверяков, Б.Л.Астауровлар Р.М.Мухамеджанова, А.Мирзаходжаева, Ж.Мурадова, Н.Ф.Опанасенко, В.А.Струникова, А.Ф.Свиридова, Г.Я.Цай, Э.Ф.Шапакидзе, В.Я.Янова томонидан тут ипак куртининг янги навларини яратишда ва ипак сифатини ошириш бўйича ҳамда пилла хомашёси миқдорини ва сифатини ошириш борасида илмий изланишлар олиб борилган.

Ўзбекистонда С.Ш.Рашидова, Р.Ю.Милушева, К.К.Пирниязов, И.К.Бекчанов, Н.Г.Вохидова, О.Б.Кличева, О.Б.Авазовалар тут ипак курти гўмбакларидан турли хил биополимерлар ва қуйи молекуляр биорегуляторлар ажратиш олиш, уларнинг таркиби ва тузилишини аниқлаш, улар асосида композициялар яратиш ҳамда биологик фаоллигини ўрганиш устида тадқиқотлар олиб боришган.

Лекин *Bombyx mori* тут ипак куртидан олинган толаларнинг элемент таркиби, оксил ва аминокислота таркиби, спектрал тавсифлари ҳамда ипак толаларидан тайёрланган янги матоларни яратиш ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган. Шунинг учун *Bombyx mori* тут ипак куртидан олинган толаларни кимёвий таркиби ва хоссаларини ўрганиш, янги ипак толалари асосида янги матоларни яратиш, уларга ТИФ ГН қоидаларига асосан кимёвий таркиби бўйича янги товар кодларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш каби муаммоларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Фарғона давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Матоларни кимёвий таркибига кўра синфлаш” (оксил матолар мисолида) йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: тут ипак қурти пилласидан олинган толаларни кимёвий таркиби ва хоссаларини аниқлаш, пилла чиқиндиларидан янги матолар ҳамда уларни кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН қоидалари бўйича синфлаб, уларга янги код рақамларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

диссертация мавзуси бўйича илмий-техник адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

ипак ва жун намуналарининг кимёвий ва ускунавий усулларда тадқиқ қилиш, спектрал тавсифларини таҳлил қилиш ҳамда улар асосида матоларнинг физик-кимёвий хоссалари, элемент ва аминокислота таркибини аниқлаш;

пилла чиқиндилари асосида янги ипак матоларини яратиш, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

олинган янги ипак матоларини кимёвий таркибига кўра ТИФ ТН қоидалари асосида синфлаб, янги код рақамларини амалиётга киритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Bombyx mori* тут ипак қурти пилласидан олинадиган ипак ва маҳаллий ҳисор қўй жуни толалари ҳамда улар асосида яратилган матолари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ипак ва жун намуналари ва улар асосидаги матолар ҳамда уларнинг кимёвий таркибини ташкил қилувчи аминокислоталар, оксиллар фракцияси, макро ва микроэлементлар; уларнинг тузилиши ва нисбатини таҳлили. Тут ипак қурти пилласидан олинадиган ипак матолари ва уларни кимёвий таркиби асосида тегишли синфларга ажратиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур диссертация ишида экстракция, кимёвий анализ, ИК-спектроскопия, электрофотоколориметрия, рефрижератор центрифуга, рентгенодифракцион анализ, индукцион-боғланган плазмали масс-спектрометрия, хромато-масс-спектрометрия ва ТИФ ТН бўйича синфлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

индукцион-боғланган плазмали масс-спектрометрия усулида ипак ва жун намуналари таркибида 26 макро ва микроэлементнинг миқдори аниқланган;

ипак ва жун намуналари таркибида 17 асосий аминокислоталар мавжудлиги ва уларнинг миқдори исботланган;

ипак ва жун намуналари ҳамда ипак матоларининг спектрал кўрсаткичлари тавсифланган;

ўсимлик манбаларидан табиий бўёқлар олинди ҳамда ипак ва жун намуналарини турли рангларга бўяш хусусиятлари аниқланган;

Илк маротаба табиий хомашдан оқилонга фойдаланиш мақсадида тут ипак қурти пилласи чиқинди маҳсулотларидан ипак матоси олиш усули ишлаб чиқилган;

“ДУРОНА” деб номланган “КУСТАРНЫЙ ШЕЛК” ва “ОДДОНКА” номли янги ишлаб чиқилган ипак матолари кимёвий таркиби бўйича ТИФ ТН қоидалари асосида синфланиб, уларга янги товар кодлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Тут ипак курти пилласи чиқиндилари асосида “ДУРОНА” ва “ОДДОНКА” номли янги ипак матолари яратилган;

Тут ипак курти пилласи чиқиндиларидан янги ипак мато ишлаб чиқаришнинг технологик регламенти ишлаб чиқилган;

Тут ипак курти пилласи чиқиндилари асосида тайёрланган янги ипак матолари учун техник ҳужжатлар ишлаб чиқилган;

Ташки иқтисодий фаолиятда янги ишлаб чиқилган матолар учун кимёвий таркиб асосида уйғунлашган тизим бўйича 2 та янги товар кодлари ажратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий физик-тадқиқот усуллари: электрофотоколориметрия, индукцион-боғланган плазмали масс-спектрометрия, хромато-масс-спектрометрия усуллари асосида таҳлил қилинганлиги ҳамда олинган натижаларнинг илмий нашрларда эълон қилинганлиги, “YODGORLIK” МЧЖ фабрикасида амалиётга жорий этилганлигини ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ипак ва жун намуналарининг элемент ва аминокислота таркибини аниқлашда кимёвий усуллар қўлланилганлиги, ипак ва жун намуналари ҳамда ипак матоларининг тузилишини ўрганишда физик-кимёвий усулларини таклиф этилганлиги, кимёвий усуллари қўлаган ҳолда олинган натижаларни таҳлил қилишда замонавий хромато-масс-спектрометрия методи қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тут ипак курти пилласи чиқиндиларини қайта ишлаш асосида янги ипак матоларини ишлаб чиқилганлиги ҳамда уларни таркиби асосида янги ТИФ ТН код рақамлар яратишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Матоларни кимёвий таркиби бўйича синфлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тут ипак курти пилласи чиқиндилари асосида тайёрланган «ДУРОНА» (Кустарный шелк) ва “ОДДОНКА” номли янги ипак матолари Марғилон шаҳридаги “YODGORLIK” МЧЖ фабрикасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг 2021 йил 12 ноябрдаги 4-2/1785-сон маълумотномаси).

Натижада, тут ипак курти пилласи чиқиндиларини қайта ишлаб ипак матолари олиш имконини берган;

ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича яратилган янги ипак матолари “ДУРОНА” (Кустарный шелк) учун 5007 20 410 2 ва “ОДДОНКА” учун 5007 20 410 9 янги код рақамлари Давлат божхона қўмитасининг “2022 йил амалиётга жорий этиш рўйхати” га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 27 ноябрдаги 1/16-310-сон маълумотномаси).

Натижада, экспорт ва импорт бўлаётган ипак матоси маҳсулотларига улардан уддириладиган бож тўловларини назорат қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 2 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 28 та жадвал, 19 та расм ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Табиий толалардан тайёрланадиган матоларнинг тавсифи, кимёвий таркиби, ТИФ ТН бўйича синфлаш ва сертификатлашнинг долзарб масалалари таҳлили (адабиётлар таҳлили)**» деб номланган биринчи бобида табиий толаларнинг турлари умумий тавсифи ва табиий манбаалари, табиий толаларнинг механик хусусиятлари ва таркибий тузилиши ва унинг хоссалари, ипак ва жун толаларининг кимёвий таркиби бўйича адабиётлар таҳлили ҳамда табиий толаларни бўяш масалалари, матоларни сертификатлаш муаммолари ва ТИФ ТН бўйича синфланиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фарғона вилоятида егштириладиган ипак ва жун тола ҳамда матоларини кимёвий тадқиқ натижаларининг таҳлили (Олинган натижалар таҳлили)**» деб номланган иккинчи бобида ипак ва жун толаларини кимёвий таркиби, ИҚ, рентгенодифракцион ва электрон микроскопия тадқиқи, матоларни синфлаш ва сертификатлашга доир мезоний кўрсаткичларни аниқлаш, ипак мато ва жун толаларини табиий бўёқлар билан бўяш, матоларни ТИФ ТН бўйича такомиллаштирилган кодларини ишлаб чиқиши ҳамда маҳаллий ипак чикиндиларидан ишлаб чиқилган сифатли маҳсулот яратиш технологияси бўйича олиб борилган изланишларининг натижалари келтирилган.

Ипак тола намунасидаги кул миқдори юқори ҳароратда қиздириш йўли билан аниқланди (1-жадвал). Кул миқдори ўртача 0.75% ни ташкил этади. Умумий оксил миқдори классик усул бўйича аниқланди. Ипак тола

намуналаридаги ўртача оксил миқдори 82.5% га тенг (2-жадвал). Азот миқдори оксиллар таркибидаги ўртача азот таркибига қараб, ҳисоблаб чиқилган (16%, $100:16 = 6.25$). Ипакнинг физик-кимёвий таҳлил натижалари 3-жадвалда келтирилган.

1-Жадвал

Ипак матоси кул миқдорини аниқлаш тажрибалари

Тигель №	Тигель массаси, г	Дастлабки намуна тигель массаси, г	Намуна, г	Ёндиришдан сўнг тортиш натижалари, г	Кул массаси, %	Ўртача миқдор, %
Ипак						
Тажриба 1	16.888	18.006	1.118	16.896	0.71	0.75
Тажриба 2	16.924	17.928	1.004	16.932	0.79	

2-Жадвал

Ипак матоси оксилнинг миқдорий таркибини таҳлил қилиш натижалари

Намуна	Горتما, г	Аликвот, мл	ФЭК, 400 нм	Оксил, %	Ўртача қиймат, %
Ипак					
Тажриба 1	0.417	0,2	1,078	82,8	82,5
Тажриба 2	0,413	0,1	0,529	82,2	

3-Жадвал

Ипак матосини физик-кимёвий таҳлил натижалари

№	Номланиши	Кул, %	Азот, %	Оксил, %
1	Ипак	0.75	13.2	82.5

Жун тола намунасидаги кул миқдори юқори ҳароратда қиздириш йўли билан аниқланди (4-жадвал). Кул миқдори ўртача 2.88% ни ташкил этади. Умумий оксил миқдори классик усул бўйича аниқланди. Жун таркибида оксил миқдори унча юқори эмас (5-жадвал). Жун намуналаридаги ўртача оксил миқдори 81.8% га тенг. Азот миқдори оксиллар таркибидаги ўртача азот таркибига қараб ҳисоблаб чиқилган (16%, $100:16 = 6.25$). Жун толаннинг физик-кимёвий таҳлил натижалари 6-жадвалда келтирилган.

4-Жадвал

Жун матоси кул миқдорини аниқлаш тажрибалари

Тигель №	Тигель массаси, г	Дастлабки намуна тигель массаси, г	Намуна, г	Ёндиришдан сўнг тортиш натижалари, г	Кул массаси, %	Ўртача миқдор, %
Жун						
Тажриба 1	17,082	18,223	1,141	17,107	2,19	2,88
Тажриба 2	19,643	20,675	1,032	19,680	3,58	

5-Жадвал

Жун матоси оксилининг миқдорий таркибини таҳлил қилиш натижалари

Намуна	Тортма, г	Аликвот, мл	ФЭК, 400 нм	Оқсил, %	Уртача киймат, %
Жун					
Таъриба 1	0,257	0,2	0,658	82,0	81,8
Таъриба 2	0,410	0,2	1,101	81,6	

6-Жадвал

Жун матосини физик-кимёвий таҳлил натижалари

№	Номланиши	Кул, %	Азот, %	Оқсил, %
1	Жун	2.88	13.0	81.8

Ипак намунасидаги аминокислоталарнинг таркиби ўрганилди, натижалар 7-жадвалда кўрсатилган. Ипак намунасида 17 та аминокислоталар мавжудлиги аниқланди. Намунада аспарагин, глутамин ва триптофан аниқланмади. Ипак таркибидаги энг юқори миқдор серин (28.81 мол%), глицин (26.34 мол%) ва треонин (7.46 мол%) аминокислоталарига тегишлидир. Ипак таркибидаги аминокислоталарнинг энг паст миқдори пролин (0.79 мол%) ва гистидинга (0.63 мол%) тегишлидир. Ипакда куйидаги алмашинмайдиган аминокислоталар мавжуд: треонин, метионин, изолейцин, валин, фенилаланин, лейцин ва лизин. Ипак таркибидаги алмашинмайдиган аминокислоталарнинг умумий миқдори 23.43 (мол%) ни ташкил қилади. Ипак намунаси таркибида индол ядроси бўлган ароматик гидрофоб аминокислота триптофан ҳамда аспарагин ва глутамин аминокислоталари аниқланмади. Ипак оқсиллари ҳам алмашинмайдиган аминокислоталар нуқтаи назаридан мувозанатлашган. Ипак таркибида гидроксил гуруҳли ўз ичига олган аминокислоталар миқдори 40.65 (мол%) ташкил қилади. Аминокислоталар йиғиндиси миқдори бўйича ипак оқсиллари сифат жиҳатидан анча юқори (7-жадвал).

7-Жадвал

Ипак матоси оқсилларининг аминокислота таркиби

№	Аминокислотлар	Концентрация, мол%
1	Аспарагин кислота	5.35
2	Глутамин кислота	3.13
3	Серин	28.81
4	Глицин	26.34
5	Аспаргин	0
6	Глутамин	0
7	Цистеин	1.49
8	Треонин	7.46

9	Аргинин	3.38
10	Аланин	2.27
11	Пролин	0.79
12	Тирозин	4.38
13	Валин	3.86
14	Метионин	1.46
15	Изолейцин	1.36
16	Лейцин	2.01
17	Гистидин	0.63
18	Триптофан	0
19	Фенилаланин	4.51
20	Лизин HCl	2.77

*-алмашинмайдиган аминокислоталар

Жун намунасидаги аминокислоталарнинг таркиби ўрганилди, натижалар 8-жадвалда кўрсатилган. Жун намунаси таркибида 17 та аминокислоталар мавжудлиги аниқланди. Намунада аспарагин, глутамин ва триптофан аниқланмади. Жун таркибидаги энг юқори миқдор глицин (26.71 мол%), фенилаланин (14.65 мол%) ва аланин (8.67 мол%) аминокислоталарига тегишлидир. Жун таркибидаги аминокислоталарнинг энг паст миқдори пролин (0.79 мол%) ва лизинга (1.09 мол%) тегишлидир. Жун толаси таркибида куйидаги алмашинмайдиган аминокислоталар мавжуд: треонин, метионин, изолейцин, валин, фенилаланин, лейцин ва лизин. Жун таркибидаги алмашинмайдиган аминокислоталарнинг умумий миқдори 33.5 мол% ни ташкил қилади. Жун намунаси таркибида индол ядроси бўлган ароматик гидрофоб аминокислота триптофан аниқламди. Жун оксиллари ҳам алмашинадиган аминокислоталар нуқтаи назаридан мувозанатлашган. Жун таркибида гидроксил гуруҳни ўз ичига олган аминокислоталар миқдори 19.4 мол% ни ташкил қилади. Бу ипак таркибидаги гидроксил гуруҳни ўз ичига олган аминокислоталар миқдоридан пастдир(8 -жадвал).

8-Жадвал

Жун матоси оксилларининг аминокислота таркиби

№	Аминокислотлар	Концентрация, мол%
1	Аспарагин кислота	1.8
2	Глутамин кислота	4.54
3	Серин	8.41
4	Глицин	26.71
5	Аспарагин	0
6	Глутамин	0
7	Цистеин	3
8	Треонин	3.43
9	Аргинин	1.63
10	Аланин	8.67
11	Пролин	0.79
12	Тирозин	7.56
13	Валин	3.54
14	Метионин	2.65

15	Изолейцин*	1.98
16	Лейцин	6.16
17	Гистидин	3.57
18	Триптофан	0
19	Фенилаланин*	14.65
20	Лизин HCl*	1.09

*-алмашинмайдиған аминокислоталар

Ипак намунасида 26 та макро ва микроэлементлар мавжудлиги аниқланди. 9-жадвалда ипак намунасидаги макро ва микроэлементларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида ипак тола таркибида фосфор, натрий, кальций, темир ва магний энг кўп микдорга эга эканлиги аниқланди.

9-Жадвал

Ипакнинг минерал таркиби, мг/кг

№ т/р*	Элементлар	Элементлар микдори, мг/кг
1(11)	Na	1450
2(12)	Mg	350
3(13)	Al	73
4(15)	P	3350
5(16)	S	195
6(19)	K	187
7(20)	Ca	1043
8(22)	Ti	22
9(23)	V	0.49
10(24)	Cr	25.6
11(25)	Mn	5.5
12(26)	Fe	512
13(27)	Co	0.36
14(28)	Ni	13.8
15(29)	Cu	27.6
16(30)	Zn	9.6
17(33)	As	1.1
18(34)	Se	59
19(42)	Mo	2.8
20(50)	Sn	216
21(51)	Sb	0.43
22(53)	I	9.2
23(56)	Ba	7.87
24(80)	Hg	1.142
25(82)	Pb	1.9
26(83)	Bi	0.3

*Элементнинг Менделеев элементлар даврий системасидаги тартиб рақами

Ипак намунасида қуйидаги макроэлементлар мавжудлиги аниқланган: Na, Mg, P, S, K, Ca. Ипак намунасидаги макроэлементлар таркибининг камайиш тартиби $P > Na > Ca > Mg > S > K$. Ипак макроэлементлар

миқдорининг камлиги билан жун намунасида ажралиб туради (6648 мг/кг). Ипак намунаси таркибида аниқланган макроэлементлар орасида энг юқори миқдор фосфорга (3350 мг/кг) тегишли бўлиб, миқдори энг паст элемент калийдир (187 мг/кг). Ипак намуналарида 17 та микроэлементлар мавжудлиги аниқланган. Микроэлементлар орасида алюминий, селен, мис, титан, марганец ва молибден кўпроқ миқдорга эга. Бу элементлар миқдори жуда оздир. Микроэлементлар орасида темир миқдори энг юқори бўлиб 512 мг/кг миқдорни ташкил этади. Ванадий, кобальт ва сурма микроэлементлар орасида энг қуйи миқдорга эга (9-жадвал). Ипак курти тут дарахти барглари билан озиклангани учун, ипак ва тут таркибидаги асосий элементларнинг миқдорий таркибини солиштириш қизик: Na 160 мг/кг, K 3500 мг/кг, Ca 240 мг/кг, Mg 510 мг/кг. Шубҳасиз, натрий, магний, кальций юзлаб марта, калий эса ўн минглаб марта кўпроқ ўсимлик таркибига қиради. Захарли элементлар орасида симоб, қўрғошин ва мишяк топилган. Уларнинг таркиби озик-овқат маҳсулотлари учун тавсия этилган РЭМ дан анча паст.

Жун намунасида 26 та макро ва микроэлементлар мавжудлиги аниқланди. 10-жадвалда жун намунасидаги макро ва микроэлементларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида жун матоси таркибида фосфор, натрий, кальций, олтингурут, калий магний ва темир энг кўп миқдорга эга эканлиги аниқланди. Жун намунасида қуйидаги макроэлементлар мавжудлиги аниқланган: Na, Mg, P, S, K, Ca. Жун учун макроэлементлар таркибининг камайиш тартиби $P > Na > Ca > S > K > Mg$. Жун намунасида қуйидаги макроэлементлар мавжудлиги аниқланган: Na, Mg, P, S, K, Ca. Жун учун макроэлементлар таркибининг камайиш тартиби $P > Na > Ca > S > K > Mg$. Жун ипакка қараганда макроэлементлар миқдорининг кўплиги билан ажралиб туради, яъни тегишли равишда 10125 ва 6648 мг/кг. Жун намунаси учун элементлар орасида энг юқори миқдор фосфорга тегишли бўлиб (3790 мг/кг), энг қуйи миқдор жун учун магний (670 мг/кг) ташкил этади. Жун намунасида 17 та микроэлементлар мавжудлиги аниқланган. Микроэлементлар орасида темир миқдори энг юқоридир (484 мг/кг). Ванадий, кобальт ва сурма микроэлементлар орасида энг қуйи миқдорга эга. Захарли элементлар орасида симоб, қўрғошин ва мишяк топилган. Уларнинг таркиби озик-овқат маҳсулотлари учун тавсия этилган РЭМ дан анча паст.

10- Жадвал


Жуннинг минерал таркиби, мг/кг

№ т/р	Элементлар	Элементлар миқдори, мг/кг
1(11)	Na	1830
2(12)	Mg	670
3(13)	Al	81
4(15)	P	3790
5(16)	S	1308
6(19)	K	1007
7(20)	Ca	1439

8(22)	Ti	17
9(23)	V	0.46
10(24)	Cr	20.9
11(25)	Mn	9.6
12(26)	Fe	484
13(27)	Co	0.38
14(28)	Ni	10.9
15(29)	Cu	32.7
16(30)	Zn	37.9
17(33)	As	2.6
18(34)	Se	43.2
19(42)	Mo	2.9
20(50)	Sn	379
21(51)	Sb	0.26
22(53)	I	6.5
23(56)	Ba	15.7
24(80)	Hg	0.929
25(82)	Pb	1.3
26(83)	Bi	2.3

*Элементнинг Менделеев элементлар даврий системасидаги тартиб рақами


Жун ва ипакдан олинган оксилларнинг ИҚ спектрларини таҳлил қилганда, папаядан олинган протеиназа комплекси билан гидролиз қилиш пептид боғланишининг парчаланишига ёрдам беради. Ипак оксили учун 3373.55 см^{-1} ва жун оксили учун 3423.59 соҳада -N-H боғи, пептид боғланишининг аминокарбонил гуруҳларининг деформацион тебранишлари туфайли ипак учун (Амид I тасмаси) 1656.02 см^{-1} ҳамда жун учун 1569.25 см^{-1} да ютилиш тасмасининг интенсивлигининг пасайиши билан ифодаланadi (1- ва 2-расмлар).



1-расм. Ипак оксилнинг ИҚ спектри.

Шунингдек, аминокислоталарнинг деформацион тебранишлари ($-\text{NH}_2$) ва карбонил гуруҳининг валент тебранишлари ($-\text{CO}$) туфайли ипак учун

1532.64 ва жун учун 1418.23 см^{-1} ютилиш чизиқлар интенсивлигининг пасайиши намоён бўлади.



2-расм. Жун оксидининг ИҚ-спектри.

Матоларни асосий хусусиятлари зичлиги, узилишга чидамлилиги, гигроскоплиги ўлчанган. Тажрибаларни тегишли ГОСТ андозалар ёрдамида бажарилди. ГОСТ 28000-2004 бўйича ярим жун матосининг намунасини таҳлил қилишда куйидаги анализ методидан фойдаланилди: ГОСТ 3811-72, ГОСТ 3812-72, ГОСТ 3813-72, ГОСТ 3816-81, ГОСТ 9733.4-83, ГОСТ 9733.7-83, ГОСТ 9733.27-83, ГОСТ30157.0-95 ва бошқалар. ГОСТ 29298-2005 бўйича пахта ва аралаш матолар учун куйидаги тадқиқот методидан фойдаланилди: ГОСТ 3813-72 (ИСО 5081-77, ИСО 5082-82) ва бошқалар. Куйидаги 11-жадвалда таҳлил қилинган турли хилдаги матоларнинг хусусиятлари ва параметрларининг натижалари берилган.

11-Жадвал

Матоларнинг асосий хусусиятлари


параметр мато	Қирқим ўлчами	Зичлиги $\text{г}/\text{м}^2$	Йиртилиш кучи, Н (қўндалагига йиртилиш кучи)	Чўзилувчанлиги, %	Гигроскопиклиги, %
ипак	5x30 см	28	16 кг.с*9.81 = 156Н (арқоқ бўйича 121Н)	14 (арқоқ бўйича 15.5)	12.66
адрас	5x30 см	172	48.5 кг.с*9.81 = 476Н (арқоқ бўйича 382Н)	17(арқоқ бўйича 12)	6.54
капрон	6x30 см	44	35 кг.с*9.81 = 343Н(арқоқ бўйича 313Н)	21	
жун	5x20 см	258	709 Н (арқоқ бўйича 590Н)		12.3
пахта	6x30 см	120	40 кг.с*9.81 = 392Н (арқоқ бўйича 255Н)	13.5(арқоқ бўйича 10)	16.96

вискоза	5x30 см		31 кг.с*9.81 = 304Н(арқок буйича 313Н)	15 (арқок буйича 25)	160
камуфляж	6x30 см	132	75 кг.с*9.81 = 736Н (арқок буйича 530Н)	19.5% (арқок буйича 14%)	14.2

Натижалар шуни кўрсатдики, ярим жун ва пахта матолари ГОСТ талабларига барча параметрлар буйича мос келади. Қолган 5 та намуналар тайёр маҳсулот сифатида ГОСТ талабларига тўғри келмади.

Ҳар қандай мато учун, айниқса, табиий мато учун, энг яхши бўяш усули ўсимликлар каби табиий манбалардан фойдаланиш ҳисобланади. Олинган натижаларга кўра, яшил рангдан жигарранггача бўлган рангдаги табиий бўёқлар *Juglans regia*, *Sophora japonica* L., *Allium cepa* L., *Punica granatum* L., *Indigofera tinctoria* L. ва *Isatis tinctoria* L. ўсимликларидан олинган. Табиий ипак ва жун намуналари олинган табиий бўёқлар билан бўялган. Табиий тусли ёрқин, барқарор ранглар олинди. Аччиқтош очик рангларни мустаҳкамлаш ва ҳосил қилиш учун ишлатилган. Табиий бўёқлар етишмаслигини ҳисобга олиб, бу бўёқларни табиий ипакдан тайёрланган матоларни бўяш учун тавсия қилиш мумкин.

Таркибида кристалланиш даражаси юқори бўлган оксил ёки полимер намуналарида юқори тор интенсивлик максимуми, интеграл интенсивлик ва намоён бўлаётган чўққининг интеграл кенлиги кузатилади. Аморф тузилишга эга бирикмаларда кристаллардан фарқли равишда кенг ўйилган диффуз ёй (гало) намоён бўлади. Ипак намунасида тор дифракцион чўққи юқори кристалланиш даражаси билан бир қаторда, кенг ўйилган ёй эса аморф соҳа борлигини кўрсатади(3а-расм).



3-расм. Ипак ва жун намуналарининг дифрактограммаси.

Бекасам мато (50% ипак ва 50% пахта) намунасида эса ипак билан целлюлоза аралашмаси бўлганлиги учун кристалланиш даражаси озайиши ва аморф соҳаси кўпайганини кузатиш мумкин. Газ матоси ҳам ипакдан иборат

бўлсада, тоза ипакка нисбатан интенсивликлари камроқ бўлиб, кристалланиш соҳасига нисбатан аморф соҳалари юқорилиги намоён бўлади.

Тоза ипакка нисбатан бу матони тайёрланиш жараёни бунга сабаб бўлиши мумкин. Адрас мато (50% ипак ва 50% пахта) дифрактограммасида энг юқори интенсивликни кўриш мумкин. Бу шу матода кристалланиш даражаси юқори жанлигини кўрсатади. Атлас мато (50% ипак ва 50% ацетат) намунасида тоза ипак ацетат тола қўшилиш натижасида кристалланиш даражасини кескин камайиши ҳамда аморф соҳани кенгайишини кузатиш мумкин. Жун намунасини дифрактограммасида жун таркибидаги оксиллар ипак оксилларидан фарқ қилганлиги учун бир эмас иккинчи кенг ўйилган чўққи кузатилиб, аморф соҳани кенгайишини кузатиш мумкин(3б-расм). Хулоса қилиб айтиш мумкинки ипак ва жун намуналарининг дифрактограммасига асосланган ҳолда уларнинг кристалланиш ва аморф соҳаларининг ўзгаришини кузатиш мумкин.

Мато намуналари ОПТИКА В-150-В150R-В-150ALC микроскопи остида кўрилди. Олинган маъумотларни таҳлил қилиб шуни таъкидлаш лозимки, микрофотографияларда 107 мартага катталаштирилган ипак ва жун намуналарининг элементар тузилиши келтирилган. Олинган расмларни таҳлил қиладиган бўлсак, ипак намунаси ва матоларида ипакларни тузилишини ташкил қилувчи танда ва арқоқ аниқ намоён бўлади. Ипакка пахта, жун ва зигир толалари қўшилганда матолардаги тузилишни фарқланиши яққол намоён бўлади.

“ДУРОНА”(Кустарный шелк-Ёввойи ипак) матосини олиш технологик жараёни ишлаб чиқилган бўлиб, жараён 10 босқичдан иборат бўлади. Дастлабки босқич саралаш босқичи бўлиб, пиллани навларга саралаб бўлгандан сўнг қолдиқ пилладан ёввойи ипак ипини олиш учун ишлатилади. Кейинги босқич тут ипагини қолдиқ пилласидан ёввойи ипак ипини олиш жараёни бўлиб, хомашёни қайноқ сув билан ишлов бериш ёрдамида ёввойи ипак ипи олинади. Ўйгириш босқичида ёввойи ипак ипи ўйгириш натижасида қазна ипи олинади. Кейинги чувалатиш ва яхлитлаш босқичларида ёввойи ипак иплари ўрамларга ўралади. Тўқиш босқичида матонинг “Танда”(матонинг иккала четидида жойлашган матодаги параллел ипларни йўналтиришнинг бўйлама (вертикал) тизими арқоқ тизими билан биргаликда тўқув тўқимасини ҳосил қилади) ва “Арқоқ” (газлама тизимига тўғри бурчак остида жойлашган ва матонинг бир четидан иккинчи четига ўтувчи, матодаги параллел ипларни йўналтиришнинг кўндаланг (горизонтал) тизими) тизимлари ёввойи ипак ипидан тўкилади. Тўқиш жараёнида агар ёввойи ипак ипи узилиб қолса елим суркаш орқали ёввойи ипак ипи бир-бири билан боғланади ва тўқиш давом этади. Тўқиб бўлинган ёввойи ипак матосини оқартириш жараёни амалга оширилади. Оқартирилган ёввойи ипак матоси совуқ сувда чайилади ва ипак мато қуритилади. Бўяш жараёнида ишлатиладиган маҳаллий ва хорижий бўёқлардан фойдаланилади. Бўяладиган ёввойи ипак матоси бўяш учун мўлжалланган идишга солинади ҳар 7 минут давомида айлантириб турилади. Сўнгра бўялган мато изчиллик билан чайқатилади. Чайқатилган ёввойи ипак матоси сиқилади ва

қуритилади. Бўялган ёввойи ипак мато қуритиш мосламасига илинади ва тоза ҳавода салқин жойда қуритилади. Қуриган ёввойи ипак мато пардоз берилиб сотувга чиқарилади.

“ОДДОНКА”(Қазна ипак) ипагини олиш технологик жараёни ишлаб чиқилган бўлиб, жараён 11 босқичдан иборат бўлади. Қавза ипак ишлаб чиқариш учун кемирувчилар билан зарарланган, назик қобикли, доғли пиллалар ҳамда капалак чиқиши натижасида ҳуватиш учун ярамайдиган ипак курти пиллалари, пилла қирғичи, қайнатилган қавза ипак ёки қавза ипак матолари, ипак эшиш ва ипак тўқиш чиқиндилари хомашё сифатида ишлатилади. Юқорида келтирилган “Ёввойи ипак” матосидан фарқли равишда “Қазна ипак” олиш жараёни бир босқичга кўп бўлиб, бу босқичда тут ипак курти пилла қолдигидан, зарарланган қобикли пилла, сарғайиб қолган пилладан ҳамда юқорида келтирилган чиқиндилардан қазна ипини олиш жараёни амалга оширилади. Асосий босқич тўқиш жараёнида “Ёввойи ипак” матосидан тўқишдан фарқли равишда “Танда” толаси ёввойи ипакдан ва “Арқоқ” толаси эса қазна ипак ишдан тўқилади. Қолган босқичлар Ёввойи ипак” матосини олиш жараёни каби амалга оширилади.

Пилла қолдигидан тайёрланган “ДУРОНА”(Қустарный шелк-Ёввойи ипак) ва ёввойи ипакни ипидан тайёрланган “ОДДОНКА” (Қазна ипак) матоси учун тегишли техник шартлар ишлаб чиқилган.

Тут ипак курти пилласи чиқиндилари асосида тайёрланган “ДУРОНА” ва “ОДДОНКА” номли янги ипак матоларини Марғилон шаҳрида фаолият олиб бораётган “YODGORLIK” МЧЖ фабрикасида ишлаб чиқарилмоқда. Ипак пилласи чиқиндиларидан ишлаб чиқарилаётган ипак матолар истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Буни YODGORLIK” МЧЖ фабрикаси 100 000 000 (юз миллион) сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлигини мисол келтириш мумкин (“YODGORLIK” МЧЖ фабрикаси 2021 йил 16 сентябрдаги далолатномаси). “Ташки иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси” бўйича ипак чиқиндилари учун 5007 позицияси берилган. Олинган матоларни кимёвий таркиби асосида синфлаб, уларга ташки иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича код рақамлари берилиши мақсадга мувофиқдир. Юқоридагиларни иноватга олган ҳолда тут ипак курти пилласи чиқиндилари асосида тайёрланган матоларни кимёвий таркиби асосида синфлаб, ташки иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига кўра “ДУРОНА”(Қустарный шелк-Ёввойи ипак) матоси учун 5007 20 410 2 ва “ОДДОНКА” (Қазна ипак) матоси учун 5007 20 410 9 товар код рақамлари тавсия қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасидан амалиётга жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 27 ноябрдаги № 1/16-310-сонли маълумотномаси). Таклиф этилаётган ТИФ ТН код рақамлари 11-жадвалда келтирилган.

**“ДУРОНА” (Кустарный шелк-Ёввойи ипак) ва “ОДДОНКА” (Қазна ипак)
матолари учун таклиф этилган ТИФ ТН код рақамлари**

ТИФ ТН коди	Позицияларни номланиши
5007	Ипак иплари ёки ипак чиқиндиларидан тайёрланадиган матолар:
5007 20	– бошқа матолар, 85 мас.% ёки ундан кўпроқ ипак иплари ёки ипак чиқиндилари сақловчи, кўндокда таралган ипақдан ташқари:
	– бошқалар:
5007 20 410 0	--- шаффоф матолар(тўрсимон тўқилган)
5007 20 410 2	---- “дурона” матоси
5007 20 410 9	---- “оддонка” матоси
	--- бошқалар:

Хулосалар

“Матоларни кимёвий таркибига кўра синфлаш (оқсил матолари мисолида)” мавзусидаги диссертация иши юзасидан олиб борилган изланишлар натижасида куйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Индуктив-боғланган плазмали масс-спектрометрик усулида ипак ва жун намуналари таркибида 26 макро ва микроэлемент мавжудлиги аниқланди ва уларнинг миқдори исботланди.

2. Ипак ва жун намуналари таркибида юқори самарали суяклик хроматографияси усули билан 17 оксилтузувчи аминокислоталар мавжудлиги аниқланди ва уларнинг миқдорий таҳлили бажарилди.

3. Ўсимликлардан ажратиб олинган табиий бўёқлар билан ипак ва жун намуналарини турли хил рангларга бўйлиши натижасида кенг диапазондаги турғун ранглар спектрига эга матолар олинди.

4. Тут ипак қурти пилла чиқиндиларидан тайёрланган “ДУРОНА” (Кустарный шелк-Ёввойи ипак) ва “ОДДОНКА” номли янги ипак матоларини яратиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича синов андозалари ва техник шартлари ишлаб чиқилди.

5. Марғилон шаҳрида фаолият юритаётган “YODGORLIK” фабрикасида пилла чиқиндилари асосида тайёрланган “ДУРОНА” (Кустарный шелк-Ёввойи ипак) ва “ОДДОНКА” номли янги ипак матоларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши натижасида йилига ўртача 100 000 000 (бир юз миллион) сўмдан ортиқ қўшимча даромад олишга эришилди.

6. Пилла чиқиндилари асосида тайёрланган “ДУРОНА” (Кустарный шелк - Ёввойи ипак) ва “ОДДОНКА” номли янги ипак матоларини ТИФ ТН бўйича 5007 20 410 2 ва 5007 20 410 9 такомиллаштирилган товар кодлари ишлаб чиқилди ва Давлат органлари амалиётга жорий қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD.03/30.12.2019.К.05.01 ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АМИРОВА ТОЙИРАХОН ШЕРАЛИЕВНА

**КЛАССИФИКАЦИЯ ТКАНЕЙ НА ОСНОВЕ ХИМИЧЕСКОГО
СОСТАВА(НА ПРИМЕРЕ БЕЛКОВЫХ ТКАНЕЙ)**

02.00.09-Химия товаров

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.4.PhD/K441.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.fdu.uz) и Информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный
руководитель:

Ибрагимов Алиджан Аминович
доктор химических наук, профессор

Официальные
оппоненты:

Исаков Хаятилло
доктор технических наук, доцент
Карабаева Раъно Ботировна
доктор философии по химическим наукам (PhD)

Ведущая
организация:


Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится « 03 » 02 2022 г. в 19⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.K.05.01 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел: (+99873) 244-44-02, Факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирован за 143). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел: (+99873) 244-44-02. факс: (+99873) 244-44-93).

Автореферат диссертации разослан « 24 » 01.12 2022 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2022 г.).




В.У.Хужаев
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней
д.х.н., профессор


М.Ё.Имомова
Учёный секретарь научного
совета по присуждению учёных степеней, PhD


Ш.В.Абдуллаев
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мировое производство шелка составляет около 1 000 000 тонн в год. Спрос на шелк ежегодно растет в среднем на 5%. С увеличением населения и быстро меняющимся дизайном одежды в развитых странах спрос на шелк неизбежно будет расти вместе со спросом на модную одежду. Хотя создание высокоурожайных сортов шелковицы и потомства шелкопряда, устойчивого к климатическим условиям и болезням, способствовало увеличению производства шелка, этих мер недостаточно для удовлетворения потребности всего человечества. Поэтому важное значение имеет разработка и внедрение экологически чистых, безвредных тканей из натурального шелка, основанные на переработке отходов шелкового производства.

В мире проводятся научные исследования по получению из коконов тутового шелкопряда и их отходов шелковой пряжи и тканей, а также всестороннему изучению свойств полученных изделий. Особое внимание уделяется получению пряжи в результате переработки отходов, анализу их химического состава, отнесению характеристичных полос спектров поглощения, выявлению основных свойств и параметров получаемой ткани, внедрению в производство по разработанной технологии, а также классификации на основе химического состава по товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности и внедрение детализированных кодов в практику.

В нашей республике в результате научных исследований в этой области были разработаны и внедрены в производство различные шелковые ткани на основе коконов тутового шелкопряда. В Стратегии действий² по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на «...дальнейшую модернизацию и диверсификацию промышленности через качественно новый этап, направленный на ускоренное развитие производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья». На основе этих задач разработка экологически чистых, безвредных, экономически выгодных натуральных шелковых тканей из отходов кокона тутового шелкопряда, изучение их состава и свойства, классификация по химическому составу согласно правилам ТН ВЭД и его реализация на практике имеет большое научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 4 декабря 2018 г. № ПП-4047 «О дополнительных мерах по поддержке ускоренного развития шелковой отрасли в Республике», ПП-4567 от 17 января 2020 года «О дополнительных мерах по развитию кормовой базы тутового шелкопряда в шелководческой отрасли», а также Указом Президента УП-6059 от 2 сентября 2020 года «О мерах по

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан».

дальнейшему развитию шелководства и каракулеводства в Республике Узбекистан» а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

